Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Мушоҳада

# ИНСОН ЎЗИНГ!

## Оламнинг марказидаги одам

## У ким ёки нима?



Ўзимизга хос хусусиятимиз билан дунё биз учун яратилган, деб ўйлаймиз, бунга қаттиқ ишонамиз. Барча нарсалар биз учун хизмат қилиши керак, деб ўйламиз. Ўзимизнинг ҳаётимизни жуда қадрлаганимиз ҳолда ўзгаларникини – худди биз каби яшашга ҳукм этилган жониворларнинг ҳаётини сариқ чақага олмаймиз. Нафақат ҳайвонларни, балки ўзимиз билан бирга яшаётган кишиларнинг-да ҳаётини қадрлайвермаймиз. Ахир ҳайвонлар ҳуда-беҳуда бир-бирларини ўлдиравермайдилар. Улар аксарият емиш илинжида шу ишга киришади. Инсон эса хоҳлаган нарсаси учун нафақат ҳайвонларни, балки бир-бирини ҳам ўлдириб кетаверади. Дейлик, ов инсоннинг энг кўнгилочар ўйинларидан бири ҳисобланади. Безаклар учун ўлдирилаётган ҳайвонларнинг эса сон-саноғи йўқ. Шундай нарсаларни ўйлагандан кейин кишининг кўнглига онг балки жуда ҳам ижобий нарса эмасдир, деган бир телба фикр ҳам келиб қолади. "Кўрмоқ – демак кўп нарсани йўқотмоқ экан-да", - деган хулосага келади Гюго қаҳрамонларидан бири. Биз мутлақ яхши, ижобий деган нарсамиз аслида шундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Гоҳида биз учун яхшилик сифатида берилган нарса ўзимизга қарши ишлайди. Чунки табиат тенгликни хуш кўради. Дарҳақиқат, ҳаётда барча нарса бирдан берилавермайди. Берилгани ҳам унга фақат фойда келтиравермаслиги, яхшилик сифатида хизмат қилавермаслиги мумкин. Худди онг сингари. У ўзининг фарзанди - инсонга нисбатан анча адолатли ва ростгўйроқ. Яратувчи инсонга онг бериб, шуниг билан бир қаторда айрим масалаларда ҳайвонлардан-да тубанроқ қилиб қўйган. Дейлик, жинсий алоқа ҳайвонлар учун фақат насл қолдириш учун лозим. Инсон учун эса у кўпроқ кўнгилочар восита... Шунингдек, айнан онгнинг ўзиёқ инсонга чексиз заҳматлар келтириб чиқаради. Бу нафақат техник тараққиётда, балки инсоннинг ўлимни англаши ва ҳаётдан маъни излашида ҳам кўринади.

Назаримда, инсон ўзининг табиатдаги, нафақат табиатдаги, балки Худо олдидаги аҳамиятини жуда ошириб юборган.

Шарқ фалсафасига кўра, шунингдек, кўпгина динларда дунёдаги барча нарсалар, хусусан, фаришталар ҳам инсонга хизмат қилади. Буларнинг барчаси унинг атрофида ўралашиб юриш учун, унга алоқадор хизматларни бажариш учун яратилгандай. Фикр қилганда шундай хулоса келиб чиқади. Аслида бунда фикрлаб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Динлар бевосита шуни ифодалайди. Ҳақиқат сифатида кўрсатмоқчи бўлади.

Ернинг айланиши, ўсимликлар, ҳайвонот олами – буларнинг барчаси инсоннинг озиқланиши, нафсини қондириши ва роҳатланиши учун яратилган... Буларнинг барчаси шу чексиз коинотга нисбатан олганда – кичик бир заррачадан-да аҳамиятсизроқ, ҳатто бир-бирларига нисбатан-да анча пасткаш бўлган, ўзининг нафсидан-да ғолиб бўлолмайдиган инсон учунми? Мана шу манман жонзотлар учун барпо этилганми? Кишининг ишониши оғирроқ. Инсоният тарихини ернинг тарихи билан солиштириб, Марк Твен ерни Эйфел минораси деб оладиган бўлсак, инсон унга сурилган бўёқ, албатта, минора ўша бўёқ учун яратилган-да, деган кесатиқ гап қилади.

Одам ўзига ортиқча баҳо бериб юбормаяптимикин?

Биз, ердан жуда нари борса 10-15 километр кўтарилган инсонлар, ўзимизга бегона кўз билан қарай олмаймиз. Биз дунёни турган жойимиздан кўрамиз. Дейлик, йўлнинг энг чекка учида турган киши ўйлайдики, у шу ердан бошланади ва номаълумликларга қараб кетади. У ўзи турган жойга шу йўлнинг нариги томонидан қараш қувватига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Биринчидан, нариги томонини яхши билмайди, иккинчидан, билса ҳам, ўзининг бир чеккада турганини тан олгиси келмайди, буни истамайди. Болалигимизда ўқитувчимиз ер айланади, деса, уни уриб енгмоқчи бўлардик ва бунинг учун ўзимизнинг аниқ, рад этиб бўлмас "далил"имизни келтирардик: ер айланадиган бўлса, нега бизнинг тоққа қараб турган уйимиз ҳеч қачон унга тескари бўлиб қолмайди? Энди билсам, ўшанда бизнинг ақлимиз кенглик доираси ҳали тоққача етиб бормаган экан. Энди ўйлайман, инсоннинг ақлига ёшлигида айрим нарсалар сиғмаган экан, демак, улғайганда ҳам унинг таъсир доирасидан четда қолган нарсалар кўп бўлиши керак.

Инсониятнинг барча қонун-қоидалари, мезонлари ердагина амал қилади. Бизнинг ўзимизга ўта даражада катта эътибор беришимиз, аҳамиятимизни ошириб кўрсатишимиз ўз қобиғимиз доирасида, холос. Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деган иборани бу масалага ҳам ишлатиш мумкин.

Нима учун инсоният космонавтларни яхши кўради, улуғлайди. Албатта, коинотга чиққани учун-да. Лекин коинотга чиқишнинг ўзи ҳеч нарсани англатмайди. Одамлар сувнинг тубига, ернинг тагига тушишаяпти. Ҳеч ким уларни улуғлаб ётгани йўқ. Космонавтлар жуда кам, аммо ер юзида ноёб касб эгаси бўлганлар оз дейсизми? Аслида дунёда иккита бир хил иқтидорли кишининг ўзи йўқ. Бунда ҳамма гап шундаки, космонавтлар тепадан туриб, ерни кўрган, унга ўзгача назар билан, бегона кўз билан қараган кишилар. Айнан шунинг учун ҳам уларни ҳурмат қилишадилар. Дарвоқе, космонавтлар ернинг жуда кичик эканлигини айтишади. Бу, коинот нуқтаи назари бўйича ердан озгина кўтарилганларнинг гапи. Агар инсон қуёш системасидан ташқарига чиқиб, ерга қараса-чи? Ундан ҳам нарига ўтиб, орқага ўгирилса-чи? Унда нимани кўради? Деярли ҳеч нарсани. Кичик бир заррани англашлари мумкин, холос. Шундай бир милтиллаган нарсанинг ичида кун кўриб, рўзғор тебратиб юрган ўзини дунёнинг маркази ҳисоблаётган 6 миллиардга яқин одамзотнинг бу фикрлари кишига жуда ғалати туюлмайдими?

Аслида барча нарса таққосда аниқланади. Дейлик, экспертлар ҳар қандай нарсани деталли суратга олаётганда ёнига линейка қўйишади. Бу ўша нарсанинг мезони ҳисобланади ва кейин керак бўлиб қолганда аввaламбор ўша линейканинг миқдори ўлчаниб, кейин шу орқали нарсанинг ҳажми аниқланади. Худди шунга ўхшаб инсон ўзини ҳам нималаргадир таққослаб юради. Хўш, инсоният учун нима мезон бўлиб хизмат қилади? Ҳайвонлар-да, албатта. Яна нима бўлиши мумкин? Бу жуда эриш туюладию, аммо бор гап шу. Дейлик, инсон ақлини кўпинча маймуннинг онги билан таққослайди. Ва уларга нисбатан жуда ҳам ақллилиги билан ғурурланиб юради. Динлар инсониятни фаришталар билан солиштиришга ҳаракат қилгани учун ҳам инсоният маънавияти тараққиётига маълум ҳисса қўшиб келмоқда. Лекин айтиш лозим, инсон ўзидан устун ҳисобланган мезонларни тан олишни истамайди, уни рад этишга ҳаракат қилиб келади.

Фаришталар ҳам одамзотга ақл борасида эмас, фақат ахлоқ хусусидагина ўрнак бўла олади. Агар инсонлар шу ўрнакдан-да тўғри хулоса чиқариб олганда майли эди. Йўқ. Унинг ўзидан юқорироқ турадиган нарсаларни тан олмайдиган, ҳеч қурса уларга кўз юмиб кетадиган одати мавжуд. "Одам фаришта эмас" деб қўяди улар бирор-бир номақбул ишга қўл уришларидан бурун.

Шундай қилиб, одамга ўзининг ақлини ўлчаш ва таққослаш учун маймунларгина қолади, холос. Бу эса инсоннинг манаман ақлига жуда мос тушгани билан бир қаторда, уни ўта калондимоғ қилиб юборади.

Инсоннинг коинот миқёсида ҳеч нарса эмаслиги билан бир қаторда у ўзаро муносабатларда, ички оламида ҳам ўзи ўйлаган ва тасаввур қилган даражада эмас. Ахлоқ масаласи ҳанузгача кутилган, ўйланган ва орзу қилинган даражада такомиллашгани йўқ. Ҳанузгача у инсониятнинг эмас, балки айрим табақаларнинг манфаати учун хизмат қилади. Ва ҳанузгача у қанчалар ҳаракат қилинаётган бўлишига қарамай, орқага қайтиб кетиб қолиш хусусиятига эга.

Инсоният даҳага кирган пилла қуртлари каби ўзидан кейинги келадиган авлодларга бирор нарса қолдирмайдиган даражада олдида учраган нарсасини ғажиб бормоқда. Нафс – мана, инсонни бошқариб турган асосий нарса нима бўлиб қолди!

Буларнинг барчаси инсониятдан нафратланганлик сабабли айтилаётгани йўқ. Ният – ўзимизга ташқаридан қарашга ҳаракат қилиб кўриш, холос.

Нафсдан ташқари инсонда онг ҳам мавжуд, аммо афсус ва надомат билан тан олишимиз лозимки, у ҳам нафсни қондириш учун хизмат қилишга бўйсундирилмоқда. Инсон ўзини такомиллаштириш учун қанчалаб динларни яратди, унга динлар берилди. Лекин у такомиллашдими? Такомилашишдан кўра у худонинг қайдалиги, кимга ўхшаши хусусида кўпроқ қайғурарди, холос.

Агар динлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улардаги худоларнинг рамзлари борган сари ўзгариб, рамзийлашиб борганини кўрамиз. Дейлик, антик давр худолари аниқ ифодаланган – мисрликлар учун нарсалар, юнонлар учун – одамлар ва ҳоказо. Насроний динида ҳам худонинг рамзи бўлса, сўнгги дин – исломда унинг ҳеч қандай кўриниши йўқ. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқиши мумкин – инсоният секин-аста қуйи поғонадан юқорига кўтарилиб бормоқда ва вақт ўтган сари оддий бир ҳақиқатга яқинлашмоқда: худо унинг тасаввурига, чегараланган ақлига сиғадиган даража эмас. Ахир инсон деганлари қанчалар ақлли бўлиб кетмасин, ўз яратувчисининг моҳиятига тўлиқ етиб бориши мумкин эмас. Худди ҳайкал ҳайкалтарошнинг нима ва кимлигини мутлақ билмагани ва унинг даражасига етолмагани каби.

Худо қайда, деган савол ҳар доим, ҳар қандай жамиятни қийнаб келган. Бир пайтлар, кишилик жамияти ўзининг энг содда ва ишонувчан даврини яшаётган вақтларда улар ўзларига моҳияти яширин бўлишига қарамай, кўриниб турган, бир қарашда илғаб олиш мумкин бўлган нарсаларни худо қилиб олишган. Аммо ҳар қандай замонда ҳам мавҳумлик ва сирлилик – худоларнинг асосий хусусияти бўлган. Бугунги кунга келиб ҳам инсоният худо қайда, деган саволга жавоб тополгани йўқ. Топиши ҳам мумкин эмас.

Худо қайда деган савол бевосита бошқа бир саволни келтириб чиқаради: онг қайдан пайдо бўлади?

Агар инсон миясидаги ҳужайраларни ташкил этувчи атомлар ахборотларни сақлаб қолиш хусусиятига эга экан, нега айнан шу хусусият, дейлик, тупроқда мавжуд бўлмаслиги лозим? Ахир атомлар киши онгида пайдо бўлиб, шу ерда йўқ бўлиб кетмайди-ку. Улар киши вафот этганидан сўнг ҳам бошқа яна нимагадир айланиб, ўз фаолиятини давом эттираверади. Бундан ташқари жон кейин кирган бўлишига қарамай, Худо Одамни тупроқдан ясаган эмасмиди?

Циолковский ўзининг материалистик қарашларидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳаёти умрбоқийдир, деган хулосага боради. Буни исботлаш учун у қуйидаги далилларни келтиради: атом ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. У киши онгини ташкил этиб, у ўлгандан кейин бевосита ўсимликларга, тупроққа ва ёки бошқа нарсаларга ўтади. Аммо бу жараёнда атомнинг сезиш қобилияти йўқолади. Ва киши бундай ҳолатда ҳеч қачон ўзининг яшаётганини англамайди. Кейинчалик эса у (орадан балки миллионлаб йиллар ўтиб кетган бўлар, бироқ бунинг аҳамияти йўқ, чунки бу орада атомлар ҳеч нарсани сезмагандан кейин, вақт нима деган гап) бир кун келиб яна киши онгида пайдо бўлади ва онгли ҳаётни бошлаб юборади. Шу ҳолат тинимсиз равишда айланиб келаверади. Тўғри, у онгни ташкил этган атомлар кейинчалик ҳам ахборотни қайсидир маънода сақлаб қолаверади, деган ғояни илгари сурмайди. Бироқ унинг фикридан шундай хулосага келиш ҳам мумкин.

Ғарб афсоналарида, агар ёдингизда бўлса, арвоҳлар фақат эски қасрларда мавжуд бўлади. Бизнинг ажиналар эса фақат эски дарахтлар, вайроналар атрофида ўралашиб юришади. Аммо улар негадир янги уйлар, ёш дарахтларда сира бўлишмайди. Буларнинг барчаси ўша ерларда сақланиб қолган ахборотларнинг ифодаланиши эмасмикин, деган ўйга боради киши гоҳида. Бизда кўпинча кексаларимиз қари дарахтлар остида ёлғиз ухлашни тавсия этмайдилар. Ухлаб, жинни ёки шол бўлиб қолган одамлар хусусида кўп гапириб юришади. Буларнинг барчасини ажиналар билан ифодаласалар-да, биз, бугунги кунда улар тўғрисидаги гапларга ишонавермаймиз-ку. Ахир илмий-техник тараққиётнинг шу қадар ривожланиши кузатилаётган бир пайтда ажиналарнинг нима эканини аниқлаб, исботлаб беролмаяпмиз-ку. Булар йиғилиб қолаётган ахборотларнинг қайсидир маънода акс этиши эмасмикин?

Худонинг қайда эканлиги, онгнинг қандай жойда мавжудлиги борасида Секст Эмпирик антик давр олимлардан бир қатор мисоллар келтирган ҳолда, ўз фикрини баён этади.

Унинг таъкидлашича, Клеанф, Ксенофонт, Зенон ва Платон кабилар ҳам онгнинг табиатда мавжудлиги хусусидаги фикрларни илгари суришган. Фақат улар Циолковскийдан фарқли ўлароқ, инсоннинг эгоистик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ва унга мос тушадиган, унинг ўлим олдидаги қўрқувини бироз сусайтириш учун бу фалсафани юритишгани йўқ. Уларнинг, айримларининг фикрича ер, айримлариники бўйича эса олам, тирик ва онгли мавжудот.

Улар бунинг учун қандай далилларни келтиришади?

Инсон онгли мавжудот. У ернинг таркибий бир қисми бўлгани ҳолда онгни қайдан олади? Ердан. Демак, ерда онг мавжуд.

Олам яхлит, бир бутун мавжудот. Шу мавжудотнинг бир қисми бўлган инсонда онг мавжуд. Бутун ўзининг таркибий қисмидан ёмонроқ бўлиши мумкин эмас. Демак, олам онгли мавжудот. Ва ҳоказолар.

Антик давр файласуфларининг бу тарзда хулоса қилишлари кишига анча ўнғайсиз ва ёш болаларнинг фикридай туюлади. Лекин инсоннинг жуда кичик мавжудот эканини, ташқарига чиқиб, коинотга назар ташлолмаслигини ҳам хаёлдан қочирмаслик керак. Ҳақиқат мантиқдан келиб чиқади-да, ахир.

Шундай қилиб, антик давр файласуфларига асосланадиган бўлсак, онг нафақат табиатан мавжуд, балки унинг ўзидир.

Атомлар умрбоқий. Буни барчамиз биламиз. Улар ўзларида онгнинг кўринишларини олиб юрадилар, бироқ айнан улар қандай ҳолатда онгни ифодалай бошлашлари хусусида бирор нарса дейиш қийин. Яқинда телевизор орқали янги замон компьютерида хотира қурилмаси сифатида балчиқдан фойдаланиш масаласи кўрилаётганини эшитгандай бўлдим. Айтишларича, бундай компьютерлар ўз-ўзини таъмирлаш қобилиятига эга бўлармиш. Демак, балчиқ ахборотларни йиғиш ва сақлаш қувватига эга экан. Аслида инсонни тупроқ бўлишга ундовчи сўфийлик оқимларининг асл мақсади, биз ўйлаганчалик фақат хоксорликни тарғиб қилишдангина иборатмикин? Одамлар нега қазо қилишганларидан кейин қариндош-уруғларининг ёнига қўйишларини исташади? Нега узоқларда вафот этиб, дафн қилинган қариндошларининг қабридан бир сиқим тупроқ олиб келадилар? Нега қайтмас бўлиб кетаётганлар ватанининг бир сиқим тупроғини ўзлари билан олиб кетишга ҳаракат қиладилар? Буларнинг барчаси оддий материалистик нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолдагина юзага келганми?

Шундай пайтларда ер улкан онгнинг кичик бир заррачаси эмасмикин, деган хаёлга боради, киши.

Биз ҳар доим Оллоҳнинг қайда эканлиги билан қизиқамиз. Нега ҳеч қачон ўзимизга савол бермаймизки, у нима учун қайдадир бўлиши лозим, деб. Ахир инсонда ҳар қандай нарса чегараланган бўлади-да. Вақт ҳам, макон ҳам. Чунки инсон онгининг ўзи чегараланган. Лекин аслида макон чегараланмаган бўлиши ҳам мумкин-ку...

Янги аср бошида кишининг кўнглига оғир ўйлар келади. Йўқ. Бу тушкун кайфиятнинг маҳсули эмас, балки навбатдаги минг йиллик бошида турган кишининг мулоҳазалари, холос. Аслида мана шундай пайтларда инсоният бир тўхтаб, нафас ростлаб олади ва орқа-олдига қарайди: нималарни режалаштирган эдию, нималар қилди? Қандай ниятлари бор? Уларни қай тарзда амалга оширади? Худди шу каби савол-лар бундай пайтларда ҳар кимни қийнайди. Кейин эса... Кейин нима бўларди, яна ҳаётнинг сершовқин оқимига аралашиб кетади.

Инсон хусусида, унинг ўтмиши, бугуни тўғрисида ўйлаб туриб, киши беихтиёр бир хулосага келиб тўхтайди – дунёнинг барча сир-синоатлари унинг ўзида яширинган. Кейинги минг йиллик (бунинг учун бир аср етмаса керак, деб ўйлайман) нафақат техник тараққиёт, балки инсоннинг ўзини ўзи англаш, ахлоқини сўзда эмас, амалда такомиллаштириш минг йиллиги бўлса, деган хоҳиш пайдо бўлади кўнгилда. Ҳолбуки, инсоният тарихи кишини бунга ишонмасликка ундаб туради.

**Исмоил ШОМУРОДОВ**

(Боши 1-бетда)

Фаолият

# ҚАЛОВИНИ ТОПАЯПМИЗ...

XXI аср — Ахборот асри деган мантиқли мулоҳазалар аллақачон айтилган. Демак, янги аср ҳам ўзбек журналистлари зиммасига катта масъулият юклаши аниқ. Шу жумладан Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳам улкан вазифаларни бажариши лозим.

Жамғармамиз ташкил этилганига атиги тўрт йил бўлди. Бу унчалик катта муддат эмас. Аммо бўлим воҳа журналистларининг ҳаётига сезиларли таъсир ўтказа билди.

Воҳамизнинг тупроқ шароити, иқлими шоли экиш учун ниҳоятда қулай. Шу боисдан бизга дастлабки йили 20 гектар ер ажратиб берилган эди. Ходимларимиз меҳнат қилиб яхшигина ҳосил олишди.

Олинган соф фойда ноширларни қўллаб-қувватлаш, журналистларни моддий рағбатлантиришга сарфланди. Ижодкорларга арзон нархда гуруч тарқатилди. Ўтган йил шанбаликдан тушган маблағ ҳисобига вилоятдаги 70 дан зиёд пенсионер журналист, ёзувчи, шоирларни марказий ва маҳаллий газеталарга обуна қилдик. Ўтган йил баҳорда вилоятнинг отахон газетаси — "Хоразм ҳақиқати"нинг 80 йиллигида жамғарма таҳририятга уч юз минг сўм ҳадя қилди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларидан бир гуруҳи жамғарма ҳисобидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Ёш кадрларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам эътибор беряпмиз.

Вилоятимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни ҳамда Наврўз ва Мустақиллик байрамларида илғор журналистларга, ёзувчи ва шоирларга, фахрийларга қимматбаҳо совғалар бериб борилияпти. Булардан ташқари кекса журналистларнинг туғилган кунларида уларни эслаб-йўқлаб бориш ходимларимизнинг асосий вазифасига айланган.

Бироқ ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ёрдамчи хўжалигимизга тегишли 20 гектар ерни дастлаб Хонқа туманидаги Ш.Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги унумдор жойдан ажратишганди. Икки йилдан кейин эса Хонқа туман ҳокими қарори билан ерни шу тумандаги "Олтин соҳил" жамоа хўжалигидан беришди. Ер ажратилганида экиш муддати тугаган, у илгари 58 деҳқонга берилган экан. 20 гектар ерга 58 деҳқон уруғ эккан! Улар эса жамғармага шоли беришдан бош тортишди. Уларни бошқа жойга ўтказишнинг ҳам иложи йўқ, чунки ер кам, аҳоли зич жойлашган. Шуларни эътиборга олиб хўжалик раҳбари йил охирида умумҳосилдан 40 тонна шоли ажратишга ваъда берди, 40 тонна шоли олдик. Аммо унинг сифати кўнгилдагидек эмас. 2000 йилда ҳам жамғармага яна шу ерни беришди. Яна 58 деҳқон эътироз билдирди. Раис бизга: "Ерни экишга ҳозирлайверинг", деди. Тракторчилар билан ерни ҳайдаб бериш учун шартнома тузиб бир юз йигирма беш минг сўм ўтказдик. 15 гектар ерга шоли уруғи ҳам сепдик. Сув танқислиги салбий таъсир кўрсатиб, экин қуриб қолди. Шундай қилиб, жамғарма зарар кўрди.

Жамғармага илгариги Ш.Рашидов номли жамоа хўжалигидаги ерни қайтариб беришса ёки аҳоли яшамайдиган Амударё бўйларидан ер ажратишса яхши бўларди...

Бу йил 60 дан зиёд кекса журналистни марказий ва маҳаллий газеталарга бепул обуна қилдик.

Вилоятимизда "Оналар ва болалар йили" муносабати билан энг яхши асарлар танловини эълон қилмоқчимиз.

**Абдураҳим ЭГАМОВ,**
**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм вилоят бўлими директори**

Шарҳ

# МУХЛИСЛАР ИШОНЧИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Таҳририятга келаётган мактубларнинг ниҳоятда кўплигидан мамнунмиз. Шикоятми, муносабатми, мақолами ёки миннатдорчилик хатими (қандай мавзудалигидан қатъий назар), буларнинг ҳаммаси кишиларнинг газетага, журналистга бўлган ишончини ифодалайди. Газета хилма-хил мавзудаги мактублар билан тирик, мухлисларнинг муносабати билан жонли! Мамлакатимизнинг чекка туману қишлоқларидаги вазиятдан хатлар орқали воқифмиз. "Ҳуррият"нинг вилоят мухбирлари камлигидан ўкинмасак ҳам бўлаверади.

Бироқ одамларнинг таҳририятга астойдил ишониб, ихлос билан ёзган хатларини ўқиб, баъзида хижолат чекамиз. Сабаби, ҳамма муаммоларни бартараф этиш журналистнинг ҳар доим ҳам қўлидан келавермайди-да.

Қайсидир қишлоқ аҳли фарзандларининг асфальтсиз кўчадан лой кечиб мактабга бораётгани, иссиқ-совуқ сувнинг узилиб қолаётгани, электр токининг тез-тез ўчиб тургани ҳақида ёзиб юборишибди. Аслида ўша жойнинг мутасаддилари ҳал этиши зарур бўлган муаммолар шикоят тарзида, арзнома тарзида нега айнан таҳририятларга оқиб келаётир? Қонун назоратчилари устидан ёзилган шикоятларнинг кўплигига нима дейсиз?

Матбуот — мисоли кўзгу. Кўзгуда бутун воқелик ўз ҳолича акс этади. Муаммо акс эттирилдими, марҳамат қилиб унга алоқадор мутасаддилар камчиликларни тузатсин. Суд-ма-суд, таҳририятма-таҳририят юриб, ора йўлда сарсон бўлаётган мактубларда ИНСОН тақдири ётибди. Шундай экан, жойлардаги мутасаддилар ўзларига тегишли бўлган камчиликларнинг бор-йўқлигини билиб қўйиш учун ушбу ихчамгина шарҳимизга бир кўз қирини ташлаб қўйса ёмон бўлмасди.

"...Корхонамиз ишчилари 2000 йилнинг январь ойидан бошлаб иш ҳақи олишгани йўқ, — деб ёзади **Андижон шаҳар 2511-автоколоннасининг бир гуруҳ ҳайдовчи ва чилангарлари**. — 1999 йилда ишлаган иш ҳақларимизни эса декабрда олдик. Шунда ҳам иш ҳақи ўрнига... Андижонда ишлаб чиқарилган сифатсиз материал тарқатилди..."

Тасаввур ҳосил бўлиши учун шикоятнинг энг муҳим жойларидан парча келтирдик. Унинг тўлиқ матни билан албатта мутасаддилар танишиб чиқиб, муаммони ижобий ҳал этадилар деган умиддамиз.

Қўқон шаҳри, Нақшбандий кўчаси 37-"А" уйда яшовчи **И.Ботирхўжаев** 1994 йилдан буён темир йўл транспортида вагон кузатувчиси бўлиб ишлаб келгани, яқинда бўлган баъзи тушунмовчиликлар натижасида ишидан айрилиб қолгани ҳақида ёзиб юборибди.

Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Дўстлик маҳалласида яшовчи 73 ёшли **Орифжон Маматов** ИИБда ишлаб келган ўғли Муҳиддин Хўжаевнинг ноҳақ қамалгани ҳақида ёзибди. Отахоннинг ёзишича, М.Хўжаев ярим килограммга яқин "героин" билан бир оғуфурушни қўлга туширган. Бироқ оғуфуруш катта пора эвазига қамоқдан чиқариб юборилиб, унинг ўрнига бутун умр ички ишлар идораларида ишлаб, минглаб жиноятларни очган милиция майори М.Хўжаевнинг ўзи қамоққа олинган.

Хат бир неча нусхада турли жойларга ёзилганини инобатга олиб, муаммони бартараф этишни масъул идоралар ҳукмига ҳавола этишдан ўзга чорамиз йўқ.

Хоразм вилояти Урганч тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида яшовчи **Эгамберган Машарипов** нақд 21 бетлик шикоят ёзиб бошқа арзчиларни доғда қолдирибди.

Унда ёзилишича, Э.Машарипов 1984 йилдан 1994 йил май ойигача Урганч темир йўл касалхонасида участка педиатр врачи бўлиб ишлаган. Шу йили ошқозон-ичак ва қон босими касалликлари билан касалланиб, шифохонага тушган. Натижада ногирон бўлиб қолган. Э.Машарипов шикоятида шундай ёзади: "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддаси 3-қисмида "Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин аввалги ишига ёки шунга тенглаштирилган ишга жойлашиш ҳуқуқига эга" деб кўрсатилган-ку!.."

Умид қиламизки, Э.Машариповнинг қонуний даъвоси эътиборсиз қолиб кетмайди.

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Чучуққудуқ қишлоғида яшовчи **Мусо Шерматов** Улуғбек номли ўрта мактабда ўқитувчиларни ишга олишда оғайни-қариндошчилик касали кучайиб кетгани ҳақида ёзибди.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги **32-ўрта мактаб** ўқитувчилари ва бир гуруҳ ота-оналар ёзган шикоятда ҳам мактабдаги носоғлом муҳит ҳақида гап боради.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида яшовчи **Бедил Аҳадов** адолатнинг қарор топишида ёрдам беришимизни сўрабди. Ўйлаймизки, масъул мутасаддилар бу шикоятни кечиктирмай ўрганиб чиқадилар.

Асака туманидаги 7-умумтаълим мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси **Абдулаҳад Ўрмонов** "Ҳуррият" газетасининг янги йил сонида чиққан "Боқий мўъжиза" номли суҳбатга ўз муносабатини билдирибди. Куюнчак устознинг мактубидаги мана бу сатрлар айниқса эътиборга лойиқ:

"Мен ишлаётган мактабда олтита параллел 6-синф бор. Шундан тўрттасига дарсга кираман. Бу синфларда ҳаммаси бўлиб юздан зиёд ўқувчи бор. Уларнинг 25 нафарида лотин ёзувида чоп этилган янги адабиёт дарслиги мавжуд. Қолган 75-80 нафарида дарслик йўқ. Мана, йилнинг 3-чораги шу тахлит давом этаяпти..."

Фаол мухлисларимиздан бири Косонсой шаҳри "Садача" маҳалласи, Чорбоғ кўчаси 1-уйда яшовчи меҳнат фахрийси **Пардабой Бухоров** ҳам "Ҳуррият"га ўз муносабатини ёзиб юборибди.

Драматург Машраб Бобоевнинг "Боши берк кўчаданмисиз?" номли мақоласи Зуҳриддин Исомиддиновнинг "Икки сўзнинг ишкали"ни келтириб чиқарганди. Шунча "ишкал"га қарамасдан бу тўғридаги баҳслар давом этадиган кўринади. Ургутлик **Ғайбиддин Фазлиев**нинг мактуби нақд мунозаранинг давоми: "...Бу сўзни ("Тупик"ни — Ғ.М.) русча деб эътироф этувчилар кўп. Шу боисдан З.Исомиддинов ҳам: "Аслида, проезд билан тупик тўғри таржима қилинса — олам гулистон" — дейиш билан бирга "...мен тупикни иккала ёғи очиқ, яъни нариги боши ёки туби йўқ кўчадан фарқли ўлароқ, иккинчи томони, туби бор, тублик кўча деб биламан", — дегач, ўз таржимасини таклиф этади: "Хўш, тупикни ...тублик деб атасак нима дейсизлар?"

Биз мабодо бу таклифни қабул қиладиган бўлсак, қош қўяман деб кўз чиқариб қўймаймизми?

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да берилган ушбу шарҳга бир қаранг: туб — таг, ост. Тубли — туби, таги бўлган, тагли. Чуқур тубли дарё. Пачоқ тубли пақир.

Демак, "тублик" деб аталувчи кўча горизонтал бўйлаб эмас, ўрага ўхшаш пастга — ер ядросига йўналган бўлиши керакки, бу ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди..."

Ғ.Фазлиев ўз мактубида "тупик" сўзи туркийча "тўпиқ" сўзидан келиб чиққан деган фикрни илгари сурган.

Қорақалпоғистонлик **Солижон Исмоилов**, тошкентлик **Ҳошимжон Тошпўлатов** бизга шеърий машқларини жўнатибдилар.

Шунингдек, фарғоналик **Баҳодир Қиронов, Нурбек Раҳим, Ҳамид Усмон**, тошкентлик **Ҳусанбой Тожиматов, Баҳром Қосимов**, Бекобод туманидан бир гуруҳ маҳалла фуқаролари, Сурхондарёдан **Нурмуҳаммад Нозимов**, Жиззахдан **Орзиқул Тўрабоев**, Хоразмдан **Умид Бекмуҳаммад** каби мухлисларимиздан ҳам мактублар олдик.

Барча мухлисларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Ғайрат МИХЛИБОЕВ**

Қутлов

# ВОДИЙНИНГ ЭРКАСИ

## Марғилон TV — 6 ёшда



Бугунги кунда техник тараққиётдаги ўсиш-ўзгаришлар кўпчилик учун янгилик бўлмай қолди. Вилоятларда, шаҳарларда, ҳатто туманларда телевидение ва радиоларнинг ишга тушаётгани бунинг яққол далилидир. Бундан 6 йил аввал Бахтиёр аканинг Марғилонда телевидение очиш ниятида елиб-югурганини кўрганлар, у кишининг бу борадаги режасини тинглаганлар орасида: "Телевидение ташкил этиш осон эканми, тинчгина ўз ишини қилавермайдими?" деганлар ҳам бор эди.

Ҳамма нарсани вақт кўрсатар экан. Мана, фаолиятини бошлаганига энди олти йил бўлган "Марғилон" телевидениеси бугунги кунда Фарғона водийсининг юзи бўлиб қолди, десак муболаға бўлмайди. Бахтиёржон Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган мазкур телевидение ҳафтасига 19 соат кўрсатув бериб боряпти. Телевидениени ташкил этиш, таъбир жоиз бўлса, унга жон киритиш, ижодий жамоани йиғиб, йўқдан бор қилиш, кўрсатувларни томошабинларга маъқул келадиган қилиб тайёрлаш ишлари, албатта, осон кечмади. Ҳозирги пайтда телекўрсатувлар қаторидан 20 га яқин муаллифлик кўрсатувлари ҳам ўрин олган. Айни пайтда ўзларининг ранг-баранг кўрсатувлари, дастурлари билан мухлислар олқишини олаётган журналистлар Соҳибжон Бозоров, Муяссархон Умарова, Ҳабибахон Юнусованинг меҳнатини алоҳида тилга олсак арзийди.

Ўтган йили янгиликлар дастури тайёрловчи 88 телестанция орасида ўтказилган "Энг яхши янгилик" мавзусидаги танловда "Марғилон" телевидениеси томонидан тайёрланган янгиликлар дастури 3-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо техник жиҳозлар билан тақдирланди. Шунингдек, шаҳардаги ҳунарманд уста-заргар Абдулҳамид ҳожи Абдужабборов ҳақида тайёрланган лавҳа дунёга машҳур СНН компанияси орқали эфирга узатилди.

— Бугунги фаолиятимдан унчалик қониқмайман, — дейди Бахтиёр ака. — Ҳали кўп ишларни қилишимиз керак. Бунинг учун эса тинимсиз изланиш, ўрганиш, ўқиш даркор. Яқинда Киев шаҳрида оммавий ахборот воситаларини бошқариш бўйича ўқув малакамни ошириб қайтдим. У ерда буюк британиялик профессор-ўқитувчилар — Ай-Ти-Си ва Ай-Ти-Эн телекомпаниясида директорлик лавозимида ишлаган Россель Лайн ва Боб Реерстоу дарс берди.

Бахтиёржон Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган мазкур ижодий жамоанинг ишлари, изланишлари самарасиз кетмаётганини мухлислардан келаётган турли мавзудаги хатлардан билиш мумкин. Кўрсатувлар ҳақида нафақат водийдаги, балки қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги теletomошабинлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Бугун 14 февраль. "Марғилон" телевидениеси ташкил топганига роппа-роса олти йил тўлди. Бу сана билан ижодий жамоани қизғин қутлаган ҳолда, телевидениенинг бундан кейинги фаолиятига улкан ривожлар тилаймиз.

**Муътабар ТОЖИБОЕВА**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Фельетон

# “ИККИСИ-ЛА ЯШАСАМ ДЕЙМАН...”

Бозор муносабатлари орасида яшаш осон кечмаслигини эндиликда ҳамма яхши билиб қолди. Ҳаёт кутилмаган қийинчиликлар ва машаққатларни йўлингизга шай қилиб қўядики, азбаройи уларнинг барини енгишга ҳозиру нозир бўлмасликдан ўзга иложи йўқ. Мирзачўл тумани ИИБ Жиноят қидирув бўлими тезкор вакили бўлмиш Азамат Эсанов тараллабедод қилиб, эмин-эркин яшаб юрибди деганлар бекорнинг бештасини ебди! Унинг ҳам тинчи йўқ, тиними йўқ. Нима, иши кўпдир-да, дерсиз?

Иши, хизмати ўз йўлига, буёғини ўқинг ва эшитинг.

Азамат билан Дилфуза 1998 йилнинг кузида яхши ниятлар билан бир ёстиққа бош қўйишди. Янги оила, янги рўзғор қанчалик сурурли ва завқли бўлмасин, унинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Фақат... Фақат “асал” ойидаёқ Дилфузанинг ўйи ўйга уланадиган бўлиб қолди. Аслида камгап, камсуқум бўлган бу қиз оила “ичи”да юз бераётган кўзга ташланмас жараёнларни ҳазм этолмай паришон эди.

Ҳаммаси ҳали чилла чиқмай Азамат уйига нотаниш қизни етаклаб келишидан бошланди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос, тушунган, ақл-ҳуши жойида бўлган йигит виждонан минг бир қийноққа тушганини тасаввур қилиш мумкин, шу боис бўлса керакки, у ўйлай-ўйлай ўша қизни “котибам” деб таништирди. Табиий, “котиба” ҳам роса виждонан қийналган бўлиши аниқ, фақат негадир қиз тушмагурнинг тортинмай-нетмай ўзини бежо тутишлари ва бежо суҳбатлари Дилфузада шубҳа устига шубҳа уйғотди. Эри икки-уч кунлаб уйга келмайдиган одат чиқаргач, унинг шубҳаси гумонга айлана бошлади, ичэтини кемираётган тахминларини бориб, онасига тўкиб солмоққа жазм қилдию, юрак хасталигига чалинган онаизорини аяди. Дилфуза қайнона ва қайнотасига ишонди, “улар яхши одамлар, улар ўғлини албатта йўлга соладилар” деб ўзига тасалли берди. Бироқ 2000 йилнинг бошларида эри ўша “котибаси”га уйланганини, тўйига ўша ўзи ишонган ва умид боғлаган қайнона-қайнотаси бош бўлганини эшитдию, эсанкираб қолди. Бу воқеадан хабар топганлар, эҳтимол, тўй базмида яхши ниятлар билан тост кўтарганлар Азаматнинг азаматлигига қойил қолишган бўлса ажабмас. А, бу, айни бозор қийинчилиги қутурган бир пайтда, унча-бунча эркак зоти битта оиласи рўзғорини тебратишга қуйруғи чидамай юрган бир пайтда хотин устига хотин олиш осонми?! Қийин-қийин Азаматга бўлди! “Котиба” билан муомалалару муаммолар бизга қоронғию, аммо-лекин Дилфуза қанчалик сабрли бўлмасин, юрак ютиб “Шу гап ростми?” дея эрини саволга тутди. Азамат тоза-а боши қотиб турган эканми, шу ЖЎНГИНА саволга жавоб айтишга қийналди.

— Чидасанг — шу, иккаланг билан ҳам яшайвераман! — деди гапни чўрт кесиб. Бу билан ғалвага нуқта қўйилмаслигига ақли етди чоғи, таҳдид қилишни ҳам унутмади: — Агар отаонангга шикоят қилсанг, йўқ қилиб юбораман!..

Ҳар қандай бағри тош одам ҳам шу ўринда Азаматга ачиниши турган гап, чунки кимсан милиционер инсон бировга “Йўқ қивораман!” деб дағдаға қилиш, юрагига ғулғула солиш нотўғри эканини яхши билади, била туриб айтганига ачинмай бўладими?!

Дилфуза туғилажак чақалоғи отасини оила қучоғига қайтиб олиб келишига қаттиқ умид боғлаган эди. Умидлари пучга чиқди. Хуллас, касал ошкора бўлди. Совуқчилик билан бошланган оила катталари маслаҳатни бир ерга қўйиб икки холис гувоҳ иштирокида ўтган йилнинг 4 июнида машваратга йиғилишди. Азаматбой, унинг икки хотини давра ўртасига чиқарилди. Гап бошлангандан бошланди. Ҳамма Азаматни инсофга чақиришга уринди, куёвтўра барча саволларга қийинчилик билан бўлса-да, дош берди. Дош бердию, билганидан қолмади.

**Йўлдош Алмазов, истеъфодаги милиция подполковниги:**

— Ўн киши бўлиб роса Азаматга уқдиришга ҳаракат қилдик. Азамат Сурайёнинг (“Котиба”нинг — Н.А.) паспортига ҳам ФХДЁ бўлимининг муҳри босилганини, никоҳ гувоҳномаси олинганини, аммо улар махсус рўйхатдан ўтмаганликларини, чунки у ҳуқуқшунос сифатида бундай бўлиши мумкин эмаслигини яхши билишини, шу боис у паспортнинг оилавий аҳвол ҳақидаги варағини кейин йўқ қилиб ташлаганини, Азамат бу ишларни Сурайёнинг ота-онаси уни қизларига қонуний уйланаётганига ишонтириш учун қилганини яширмади. Азамат ўша куни ҳамма йиғилганларнинг ҳузурида (Дилфуза билан Сурайё ҳам шу ерда эди) “Иккаласи ҳам менинг хотиним, иккаласи билан ҳам яшайвераман, агар улар хоҳламаса кетишлари мумкин. Мен Сурайёдан ажрашмайман, чунки отаси менинг устимдан ИИВга шикоят қилганида Сурайё мени ҳимоя қилган, мен ундан қарздорман”, деди...

Азаматнинг битта бошига тоғдек бўлиб тушган юкнинг залворини тасаввур қиляпсизми? Қизнинг ота-онасини ишонтириш (ҳойнаҳой, шамғалат қилиш учундир?) учунгина ФХДЁдан ўтиб, сўнг мумкин эмаслигини билганидан ўша паспортнинг ФХДЁ муҳри урилган варағини йўқотишгунича она сути оғзидан келгандир шўрлик Азаматнинг?! Эҳтимол, у кекса касбдошининг маслаҳатига кўнганида, яъни Йўлдош ака Алмазовнинг: “Ука, яхшиси, сен икки хотиндан бирини танла-да, ўшаниси билан тинчгина яшайвер!” деган ўгитига кўнганида олам гулистон эди. Бордию, Сурайёни танлаганда ҳам Дилфуза нечоғли оғир бўлмасин, пешонам шу экан деб норасидасини бағрига босиб уйига жўнайверар эди.

Йўқ, Азамат энг қийин йўлни танлади, яъни икки хотинлиликни ихтиёр этди. Афсуски, Дилфузанинг аёллик ғурури бунга йўл қўймади.

**Азамат Эсанов:**

— 2000 йил 4 июнь кунидаги қариндошлар йиғилишида Дилфуза билан сан-манга бормаганимни айтдим, лекин унинг қариндошлари унашмади. У кетиб қолгач, Сурайё исмли қизга совчи юбордик. Фақат нон синдириш маросими бўлди. Қизнинг ота-онаси менинг уйланганимни билиб, қачон қонуний ажрашсанг, қизимизни берамиз, дейишди.

**Дилфуза Аликулова:**

— Тўйимиздан кўп ўтмай хўжайиним “котибам” деб уйимизга бошлаб келадиган Сурайё исмли қиз “Азамат акамлар билан 1997 йилдан буён танишмиз” деган эди. Кейин ўйласам, у киши мени шунга кўниктирмоқчи бўлган экан...

Мана, шу ўринда Азамат Эсановнинг бошидаги қийинчиликлар илдизи кўзга ташланиб қолгандек бўляпти. Яъни, у тўйдан илгари аввал Сурайё билан “яқиндан” аҳду паймон қилган, бунга ота-она негадир розилик бермаган, натижада у ота-она хизмати учун Дилфузага уйланиб, уни уй бекасига айлантиргану, ўзи Сурайё билан турмуш кечираверган.

Бу ўринда Дилфузаю Сурайёга ҳам сира осон тутиб бўлмайди. Азамат эса икки гапнинг бирида Дилфузанинг кўзини очишга уринди.

**Дилфуза:**

— Икки гапнинг бирида “Ўртоқларимнинг қайси бирида иккита хотин, машина бор? Мен эплаяпман-ку?!” деб кўзимни очирмас эдилар. Ниҳоят, ўтган йилнинг ноябрида, дашномларнинг нафи бўлмаслигини билгач, отамникига кетдим.

Ҳа, ёш келинчак ёш норасидасини кўксига босиб ота-она уйига қайтди. Ҳеч ким оч қолмайди, олдинда бахтли кунлар келади, албатта. Лекин дил изтироби Дилфузани қийнаши тайин, унинг фарзандини қийнаши тайин. Бир қиз боланинг, кейин ўз аёлига айланган Дилфузанинг тақдирини ўйинчоқ қилган Азамат ҳам қийналадими? Виждон, диёнат уни қийин-қистовга оладими?

Одам бундай мушкул вазиятларга тушганида ота-она, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар маслаҳатига юради. Улар ҳам кор қилмаса хизмат жойи бор-ку, айниқса Жиззах вилояти ИИБда кўпни кўрган, қонунни билган меҳрибонлар ўлдими топилмай?!

**Н.АСЛОН,**
**"Ҳуррият"нинг махсус мухбири**

Умрингизга барака!

# “МЕНИ... ТАЁҚ РЕЖИССЁР ҚИЛГАН”

**Одами эрсанг, демагил одами,**
**Оникум йўқ, халқ ғамидин ғами.**
Алишер НАВОИЙ



Бобомиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, халқ дарди билан яшамоқ одамийлик белгисидир. Назаримда, ижодкор инсонларнинг барчасида ана шундай хислат мужассам. Сабаби, уларнинг ижод меваларидан халқ баҳраманд бўлади. Барча санъат соҳалари шу йўналишни танлаган инсонлардан тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Кино санъатида ҳам шундай. Ушбу санъатга меҳр боғлаган инсон кинорежиссёр, профессор Шуҳрат Аббосов тўғрисида мақола ёзиш истагида у киши билан суҳбатда бўлдим.

— Мен 1931 йилда Қўқонда санъаткор оилада туғилганман, — дея сўз бошлади суҳбатдошим. — Гарчи Қўқонда туғилган бўлсам-да, болалик онларимни Қашқадарё вилоятининг бепоён чўлларида ўтказганман. Ўша йилларни эсласам бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўйлаб қарасам, санъатга кириб келишим ҳам ўша воқеадан бошланган экан. 1943 йил, халқимиз бошига тушган энг оғир дамлар, довюрак эркакларимиз фронтга кетган кезларда мен ўн бир ёшда эдим. Ёш бўлсам-да, Қашқадарё вилоятининг “Қоракўл” давлат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлай бошладим. Фронтдан қайтган жангчиларни кўриб юрак-бағрим эзиларди. Ўша кезлари вагонларда урушдан қайтган ярадор аскарларга сут ичириб, роль ижро этгандик, уларга меҳр кўзи билан қарардим. Бир куни ярадорларни даволовчи ҳамшира бир пьеса борлигини айтди. Мени аскарларнинг кўнглини кўтариш учун ташкил қилинган пьесадаги ролни ижро этишга таклиф қилди. Мен ижро эта олмаслигимни айтсам-да, “Аскарларимиз хурсанд бўлади, сен ижро этасан”, — деб қўйишмади. У роль оёғи чўлоқ аскарнинг “Энди мен ҳеч кимга керак эмасман”, дея тушкунликка тушиши ҳақида эди. Ўша ролни шундай ўйнаган эканманки, мени томоша қилиб ўтирганлар орасидан ярадор аҳволдаги бир киши чиқиб бошимга таёқ билан урганди. Лекин одамларни шунчалик даражада таъсирлантирадиган даражадаги образ яратишимни ўзим ҳам ўйламаган эканман. Менинг қизиқиб ролга киришиб кетишимга эса жароҳати оғир аскарлар тортаётган азоблар кўз ўнгимда турганлиги туртки бўлганди...

Шуҳрат аканинг кўз ўнгида ўша йиллар сурони гавдаланганидек, аллақандай маҳзунлик билан хаёлга толадилар. Ҳа, ҳаётда инсонга бир нарса туртки бўлмаса у ўз-ўзидан бир касбга меҳр бериб, шу соҳада кўним топмаган бўлар эди. Мақоламиз қаҳрамонига ҳам юқоридаги воқеа сабаб бўлиб, уни театр санъати билим юртига етаклади. 1949 йилда санъат билимгоҳининг талабаси бўлган Ш.Аббосовга 3-курслигидаёқ устозлари институтда дарс беришни таклиф қилишди. У 1954 йилда институтни тугатгач, Янгийўл театрида бош режиссёр бўлиб ишлай бошлади. Санъатга бўлган интилиши туфайли Москвадаги олий кинорежиссёрлик билим юртида ўқиди. Шуҳрат ака илк фильмини ўқиб юрган кезларида, яъни 1958 йили америкалик буюк ёзувчи Уильям Сароян қаламига мансуб “Филиппинлик ва маст” асари асосида суратга олди. У киши режиссёрлик қилган иккинчи фильм эса барча севиб томоша қиладиган “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидир.

Шуҳрат ака билан суҳбатимиз давомида биз ўзбек киносининг бугунги ютуқлари тўғрисида ҳам сўзлашдик.

— Истиқлолга эришганимиздан сўнг кино соҳасида ҳам жуда кўп ютуқларга эришдик. Шу билан бирга ўзбек киносига бўлган эътибор янада ошди. 1996 йилда Президентимиз Ислом Каримов фармойишлари билан “Ўзбеккино” Давлат Акционерлик компанияси ташкил этилиб, унга жуда катта маблағ ажратилди. Биз имкониятдан фойдаланиб миллийлигимизга ташна халқимизга янги-янги асарларни тақдим этишимиз даркор.

Ҳа, кино санъати тинимсиз изланиш ва меҳнатни талаб этади. Яратилган фильм мухлисларнинг қалб тўрида бўлиши учун режиссёр озмунча меҳнат қилмайди. Муҳими, сиз танлаган асар асосида яратилган фильм ҳаётий бўлсин.

Шуҳрат ака барча кино шинавандалари кўнглига йўл топа олган устоз режиссёр десам адашмайман.

Киночилар уйи кадрлар бўлимининг бошлиғи, журналист Анвар Ёқубхўжаев Шуҳрат ака тўғрисида шундай фикр билдирдилар: “Шуҳрат Аббосовда актёр танлай билиш қобилияти кучли. Умуман ҳар бир режиссёр учун бу жуда муҳимдир. Шуҳрат ака бир бор кўрган инсоннинг юз-кўзи, ташқи қиёфасига қараб, унда қандай маҳорат борлигини ўша заҳотиёқ англаб етади. Яратган фильмларидаги қаҳрамонларининг ижро этаётган роли ҳаётий бўлиши учун бор меҳнатини аямайди. Шуҳрат ака суратга олган “Сен етим эмассан”, “Тошкент — нон шаҳри”, “Маҳаллада дув-дув гап” фильмлари ўзбеккино фильмлари олтин фондига киритилган”.

Буюк кинорежиссёр Ш.Аббосов яратган фильмларни ким севиб томоша қилмайди дейсиз. Айниқса, “Тошкент — нон шаҳри”, “Сен етим эмассан” фильмлари нафақат халқимиз, балки хорижликлар қалбидан ҳам муносиб жой олган. Биз ўзбекнинг буюк кинорежиссёрларидан бири Шуҳрат ака Аббосовнинг 70 ёшлик тўйлари билан чин қалбдан қутлаб, у кишидан янгидан-янги фильмлар кутиб қоламиз.

**Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА**

Фожеа

# ҚОРА КАЛХАТ

— Анчадан буён мук тушиб нималар қиляпсиз ўзи? — деди ҳамхонам қоғозларни кўздан кечирар экан. — Ие, нимадир ёзаяпсиз, чоғи?

— Ҳа, ёзаяпман. Газетанинг эртанги шанба дам олиш саҳифасига буюртма олгандим. Муҳаббат можароси ҳақида бир ҳикоя бошлаб қўйдим.

— Қизиқарлими ҳикоянгиз?

— Ҳа энди, ҳар ҳолда...

— Бўлмаса, гап бундоқ. Ҳикоянгиз ҳозирча тишингиз ковагида тура турсин, вақти келганда ёзарсиз. Биз, мункиллаган чолларнинг ўзи ҳам, айтар сўзи ҳам ғанимат. Муҳаббат можаросининг зўри мана бизда. Саргузашт воқеа қизиқ бўлади-да. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз.

— Яхши, — чолнинг сазаси ўлмасин деб, янгидан қоғоз-қалам олиб, ёзишга чоғландим. — Айтинг.

— Сарлавҳасини “Қора калхатли чол” деб қўйинг.

— Ие, калхатли чол дейсизми? Саргузашт дегандингиз-ку... Ҳали калхатингиз ҳам борми?

— Бор. Бу қора калхат менинг кўксимда. Ёзувга сўнгги нуқта қўяётганингизда кўрасиз калхатни.

У айтаверди, мен ёзавердим.

... — Ўшанда уруш дунё бўйлаб ажал пуркарди. Лаънати Гитлер босқинига қўндаланг бўлмоқ учун эшелонда кетаяпмиз, кетаяпмиз, қаёққалигини худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Аскарнинг кунидан ёмон, пес кун йўқ, мен сизга айтсам. Кўзимга жонимдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. Не-не тенгқурларим “Жангда қаҳрамонлик кўрсатамиз” деб кўз ўнгимда бекорга ўлиб кетди. Биз тушган эшелон бир маҳал портлаб кетди-ку. Дала госпиталида кўзимни очдим. Шу пайт бошимга хом бир фикр тиқилиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб, ахири, ўйим пишди: бир юмалаб соқов-гунг бўлиб қолдим. Тургеневнинг “Муму”сидаги гунг менинг олдимда бир пул. Баёқи биласиз, гунг одамда қулоқ ҳам том битган бўлади. Каминани кўрмаган дўхтир, текширмаган госпитал қолмади ҳисоб. Боёқиш дўхтирлар мени фириб қилаяпти, деб тахмин қилишди. Эзғилаб-эзғилаб текширишди. Бошим тепасидан уч марта ванғиллатиб ўқ узиб, синаб кўришди. Йўқ, ҳеч нарса сезмаган бўлиб, кўзимни лўқ қилиб, киприк қоқмай туравердим. Ҳарбийга яроқсиз деб жавоб беришди. Қишлоғимда ҳам бир йилча — то урушнинг охири кўрингунича гунг-соқов бўлиб юрдим. Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлур деганларидай, тилимни ҳам, қулоғимни ҳам, кўзимни ҳам бир жувоннинг макр-ҳийласи очди, мен сизга айтсам...

— Қишлоғимиз дўконида Ўғилой деган кўҳликкина аёл ишларди. Бўйдоқман денг ўшанда. Онасининг илиқ фалласидан бўккан хўтикчадай димоқ кўтарилган, босар-тусар ҳаминқадар. Келиб-келиб шу аёлнинг домига тушиб қолсам бўладими? Халта-халта юкларини аравадан дўкон омборига опкираман, яшик-яшик нарсаларини омбордан опчиқаман — жувонга тайёр ҳаммолман. Қишлоқлар ҳувиллаб қолган. Эркак зоти анқонинг уруғи. Урушнинг бошида Ўғилойнинг эридан қора хат келган. Бечора ҳаётдан этагини қоқиб юрган кезлари денг. Имо-ишораларимга аввалига кўнмай, юриб-юриб ахири бир куни раъйимга кирди.

Кечаси уйига бордим. Интиқ бўлиб кутиб турган экан. Ҳамма нарса тахт, дастурхон ёзиғлиқ. Берироқда икки-учта шиша ҳам қийшайиб ётибди. Битта шиша бўшагунича Ўғилой гоҳ бўйнимга осилиб, гоҳ биқинимга ниқаб, эркаланиб ўтирди. Иккинчи шиша очилганидан кейин:

— Бир оғиз гапиринг, жон акажон, — деди ялиниб-ёлвориб — ичим тоза сиқилиб кетди!

Мен бош силкиб рад ишорасини қилдим.

Гапирмайсизми, а, гапирмайсизми?

Аёлнинг авзойи бузилди. Эшикни кўрсатиб:

— Марҳамат, кетишингиз мумкин, — деди жаҳл билан силтаниб. — Бир оғиз гапингизгаки арзимасам... Кетинг!

“Гапиролмайман. Тилим айланмайди!” маъносида телбаларча имо-ишора қилдим.

Аёл хиёл юмшади. Лекин тақир манглайимга ўрта бармоғи билан ниқаб, икки-уч марта “дўқ-дўқ” этиб уриб қўйди.

— Сўзим шу: военкоматга айтмайман, ҳеч кимга билдирмайман, гапирганингизни фақат сиз, мен, тепада худо билади. Бор-йўғи бир оғиз гапирсангиз бас: “Сени севаман, Ўғилой!” денг, тамом, шунинг ўзи менга етади...

Бошқа иложим қолмади. Атайин тутилиб-дуртиниб: “Се-н-ни се-ва-ма-ан, Ўғил-ой-й” деганимни биламан... Буёғи бир лаҳзада содир бўлди: Ўғилой ёввойи мушукдай бир сакраб ўзини эшикка урди, кейин ҳовлини бошига кўтариб, супада дод сола бошлади:

— Гунгнинг тили бор! Гапирди! Соқовнинг тили бор! Гапирди! Гапирди!

Ана шу аёлнинг макри билан, мен сизга айтсам, тил ҳам, қулоқ ҳам, қуриб кетгур мана бу кўз ҳам “ярқ” этиб очилиб кетди!..

Чол кўйлагининг тугмаларини бир-бир ечиб, қора тушда эринмай нақшлаб чизилган, ўлжасига ташланаётган ҳайбатли қора калхат суратини кўрсатди.

— Ўн йил ётиб келдим. Бу қора калхат ўша жойдан нишона...

... У айтаверди, мен ёзавердим. Мана, сўнгги нуқтани қўйиш фурсати ҳам келди. Бутун бошли саргузашт давомида қаламга эрк бермай ёздим. Фақат чолнинг илтимосига кўра, қора калхатли кимсанинг номини сир тутдим...

*Шофиркон*

**Аҳад ҲАСАН**



Кечинма

# ҲАЁТ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

...фикрий қашшоқлик вабо ёки ўлат бўлганида эди, ер юзи ҳувиллаб қолур эди.

***

**“Ер бориб айтмасин”, деган мақол айғоқчилар кўпайиб кетган замонларда пайдо бўлган бўлса-да, ҳануз эскирмаган.**

***

Дунёда қўрқитишга таянмаган бошқарув усули бормикан?

***

**“Мўлтонидан зўр чиқса чодирига ўт қўяр”, деган мақол лўлилар ҳақида айтилган бўлиб, унинг бизнинг шотирларимизга сираям дахли йўқ...**

***

Бизда ҳеч ким ўқимайдиган газеталар истаганча топилади. Шиори: энг, энг бўлган Гиннесчилар қаёққа қараяпти?

***

**Халқ ёзувчилари бор экан, халққа тегишли бўлмаганлари ҳам бор...**

Унвон— беморга касаллик даражасига қараб қўйилган ташхисга ўхшайди.

Ҳамроқул АСҚАР,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Илҳом

# ҚАЙТАР ДУНЁДИР БУ...

Ҳаётда шундай бир мувозанат бор:
Асло унутилмас ҳар кори савоб.
Қилинган гуноҳдан кечилмас зинҳор,
Бир кун ҳаммасига сўралур жавоб.
Гарчи, тақдир йўли узун ва чигал,
Яхшилик, ёмонлик ошкорми, пинҳон;
Гарчи, азал-абад дунё нотугал,
Ва лекин унда бор олий бир мезон:
Эзгулик ҳеч қачон қолмайди изсиз,
Яхши қадр топар, муродга етар.
Тубанлик ахийри фош бўлар сўзсиз,
Ёмонни аянчи интиҳо кутар.
Демакки, ҳеч нарса бесамар кетмас,
Қайтар дунёдир бу, деганлар асли...
Лекин баъзан, ажаб, ўзига эмас,
Фарзандига урар ёмоннинг касри.
Дилдан кетмас ноҳақ кўргулик доғи,
Сўнгги нафасгача бермас омонлик.
Бешафқат топталар оқибат гоҳи,
Яхшилик ўрнига қайтар ёмонлик.
Она ўстирса ҳам авайлаб, асраб,
Ота раҳнамолик қилса ҳам ҳарчанд;
Уларни ардоқлаш ўрнига, ажаб,
Баъзида юз буриб кетади фарзанд.
Наҳот, оламдаги якто, олий куч,
Наҳотки, барчани бирдай кўрмайди?!
Бегуноҳ келади минг балога дуч,
Гуноҳга ботганни бало урмайди.
Баъзан тубан каснинг имкони кенгдир,
Ҳалол, жафокашнинг йўли тўсилган.
Нажот кутганингда ҳақиқат гунгдир,
Адолат ночордир,
Қўли кесилган.
Олис тарих гувоҳ:
Тақдир шу тахлит,
Кимни алқамади, кимни қисмади!
Бу кун мени қийнар ханжардек ботиб,
Бобом Улуғбекнинг аччиқ қисмати.
Эл, ижод ғамида юрса ҳам чиндан,
Матлаби эзгулик бўлса ҳам азал;
Ҳазрат Алишерга тош отиб зимдан,
Май деб олтин жомда тутдилар заҳар.
Ўйлаб лол қоламан кори дунёга,
Бу қандай кўргулик,
Бу не қиёмат?!
Илму паноҳ берган ибн Синога,
Шогирди сўнг нафас қилса ҳиёнат!
Олис кечмишларга боқаркан бу кун,
Хаёлларим сархуш,
Юрагим ғашдир.
Қаранг, эзгуликнинг юрак-бағри хун,
Қаранг, яхшиликнинг кўзлари ёшдир.
Қаранг, эътиқоднинг кўкси сад пора,
Билган, билмаганни баъзан сир тутдик.
Қай эл фарзандига чапладик қора,
Қайси бир пасткашни эъзозлаб ўтдик.
Қаранг, Темур тузган давлатни, шонни,
Темурийлар қайта парчаладилар.
Бугун қадр топган Соҳибқиронни,
Кун кеча қоралаб чарчамадилар.
Оддий ҳақиқатни англагунча то,
Кимнинг кимлигини билгунча аён;
Баъзида неча бор ўзгарди дунё,
Баъзида неча бор ўзгарди замон.
Бу кун тушунамиз ўтмишни теран,
Берамиз муносиб тавсиф-таърифлар,
Лекин очиқ айтинг, ахир, ҳозир ҳам,
Йўқми орамизда Абдулатифлар!
Ёлғиз ўз ғамида юрганлар баъзан,
Наздингда элпарвар, оқил кўринар.
Қачон одил ҳукмин ўқир вақт-ҳакам,
Уларнинг кимлиги қачон билинар?!
Бу қайтар дунёнинг қайтгунича, бас,
Наҳотки, баъзида керак кўп фурсат?!
Ҳаёт, сен кўрсатсанг бошқага эмас,
Сен фақат ёмоннинг ўзига кўрсат!
Эзгулик қолмасин юзқора, ожиз,
Яхшилар ҳаётга шукрона айтсин.
Бу қайтар дунёдан ўтинчим ёлғиз,
Қайтса, ҳар банданинг ўзига қайтсин!
То ҳаёт бор экан, бор экан дунё,
Нажот, мадад сўраб сиғинганинг чоғ;
Бўлсин ҳақиқатнинг тиллари бурро,
Бўлсин адолатнинг тўрт мучаси соғ!

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ**

**Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Ҳуррият" мустақил газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломовга умр йўлдоши**

**Раънохон ИНОЯТОВАнинг**

**вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳумани Аллоҳ раҳмат қилсин.**

**Тошкент давлат техника университетининг Нефть ва газ факультети томонидан ХАМРОЕВ Отажон Салимбоевичга 2000 йилда берилган № 252990 155 вз рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

**Сирдарё вилояти босмахонаси қуйидаги полиграфия маҳсулотларини чекланмаган миқдорда сотувга чиқаради:**

— **Ўрамда 80 грамм ва 65 грамм бўлган ёзув қоғози;**

— **банклар учун компьютер қоғози;**

— **маҳкама китоби, бош китоби, ғазна китоби, иш ҳақини ҳисоблаш китоби ва ишончномаларни рўйхатга олиш китоби;**

— **кирим ордери, чиқим ордери, тўлов рўйхати, юк хати, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкасса топшириқномаси, мемориал ордери, автомобиль ва тракторлар учун йўл варақаси ва шу каби иш қоғозлари мижозлар талаби бўйича тайёрлаб берилади.**

**Тўлов харидорлар истаган усулда амалга оширилади.**

Мурожаат учун телефонлар:
8 (3673) 57-16-42, 57-19-80, 57-17-33.
Манзил: Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 92-уй.